



2020 йил «28» феврал

№ 128-Қ

**Вилоят ҳокимининг 2020 йил 25 февралдаги 28-Қ-сонли “Е-IJRO AUKSION” электрон онлайн-аукцион савдо майдончасига чиқариш учун ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қийматини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сонли “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 02/1-2631-сонли топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида вилоят Молия бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси ҳамда Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг тавсияларини инобатга олиб,

#### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят Молия бош бошқармаси, вилоят Давлат солиқ бошқармаси ҳамда вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг тавсиялари асосида ишлаб чиқилган “Е-IJRO AUKSION” электрон онлайн-аукцион савдо майдончасига чиқариш учун ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари (Н.Рахмонов), туман Бош архитектори (М.Ибодуллаев), туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (А.Тошбоев)лар биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

3. Туман Инвестиция ва ташқи савдо бўлими бошлиғи (Ж.Шарипов)га ер участкасига бўлган ҳуқуқ инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар билан сотилган тақдирда, ушбу инвестицион мажбуриятларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати-матбуот котиби (Э.Пардаев), “Нуробод” газетаси муҳарририятига мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

5. Туман ҳокимининг 2019 йил 1 февралдаги “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида аукционга чиқариш учун ер участкаларининг жойлашган ҳудудидан келиб чиқиб бўш ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг бошланғич баҳосини тасдиқлаш ҳақида”ги 159-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Р.Ибрагимов, Н.Рахмонов, Ш.Қораев, А.Дусмуродов зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Туман ҳокими



Ф.Заиров



Туман ҳокимининг  
2020 йил 28 февралдан  
128-к/ сонли қарорига илова

**“E-IJRO AUKSION” элктрон онлайн-аукцион савдо майдончасига чиёриш учун ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати**

№	Худуд номи	Бўш - ер участкаси майдони (га)	Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг минимал қиймати (сўмда)	Шундан		
				Бир йиллик солиқ суммаси	“Давергеодезадастр” кўмитасининг худудий бўлимларининг ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ишларининг қиймати (сўмда)	Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сон қарори Низомининг 7-бандида назарда тутилган ишларнинг қиймати
1	2	3	4	5	6	7
1	Нуробод тумани	0,01 гектардан кўп бўлмаган	1 931 003	147 003	446 000	Архитектура ва режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш учун - энг кам базавий ҳисоблашнинг тўрт баравари; ер участкасини танлашга доир бошқа материалларни тайёрлаш учун - энг кам базавий ҳисоблаш микдорининг икки баравари миқдорда (1 338 000 сўм)
		0,01 гектардан 0,05 гектаргача	2 742 015	735 015	669 000	
		0,05 гектардан 0,1 гектаргача	3 700 030	1 470 030	892 000	
		***1 гектар бўлганда	17 153 314	14 700 314	1 115 000	

Изоҳ: Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги Ўзбекистан Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистан Республикасининг Давлат бюджетни тўзғирисидаяги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўзғирисидаяги ПҚ-4555 сонли қарорига мувофиқ 2020 йил 1 февралдан иш ҳақининг энг кам базавий ҳисоблаш миқдори 223 000 сўм этиб белгиланган. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги Ўзбекистан Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистан Республикасининг Давлат бюджетни тўзғирисидаяги қонуннинг 9-илова 1- жадвалига асосан: \* Ер майдони 1 гадан ортиқ бўлганда худудлар бўйича 1 га учун белгиланган ер солиғи миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ижроочи: Туман ҳокимлиги бош мутахассиси *Ж.Маллаев*